

**“ҚОРАСУВ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИУМУМИЙ
ЙИФИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Тошкент вилояти,
Ўртачирчиқ тумани,
Тинчлик МФЙ, 52 уй.**

2024 йил10-сентябр

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Тошкентвилояти, Ўртачирчиқ тумани, Мунаввар кўчаси, 52-уйда “Қорасув пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – **654 648** дона.

“Қорасувпахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамиятқузатув кенгашининг 2024йил 22 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хуқукига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 04сентябр.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Атакаджаев Раҳим Султанович йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуидагилар сайланди:

1. Мухаммадиев Абдулло Зикруллоевич- “Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

2. Парпиева Юлдуз Рустамовна- “Қорасув пахта тозалаш” АЖ бош хисобчиси;

Йиғилиш раёсати аъзоси Парпиева Юлдуз Рустамовна малака ва тажрибага эга бўлган “Тошкентпахтасаноат” ҲАБ АЖ тугатиш комиссия аъзоси Мухаммадиев Абдулло Зикруллоевични йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Ниязова Дилдора Абдурашидовнани йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Мухаммадиев Абдулло Зикруллоевич ва йиғилиш котиби этиб Ниязова Дилдора Абдурашидовна сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Мухаммадиев Абдулло Зикруллоевич ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси Курбанбаева Умида Ахмедовнага берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қофозлар Марказий Депозитарийси”УК томонидан 2024 йил 04сентябр ҳолатига шакллантирилган “Қорасувпахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун **218** та акциядорга тегишли **654 648** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **351 904** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 1 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **53,75 %** ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) хисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Юсупов Комил Қаландарович - жамият бош директори;

Парпиева Юлдуз Рустамовна - бош хисобчи;

Йиғилишда раислик құлувчи Мухаммадиев Абдулло Зикруллоевич йиғилиш күн тартибини эълон қылды.

1. Умумий йиғилиши регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги "Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-103-сон Фармонигамувофиқ «*Ko'kcha tekstil*» ("Real Tex Tashkent") МЧЖнинг 06.08.2024 йилдаги 123-сонли мурожжатини кўриб чиқши.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

КУНТАРТИБИ:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик құлувчи А.Мухаммадиев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшигтириди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги 2 та масала кўрсатилганлигини ва хар бир масала бўйича маъruzачига - 15 (үн беш) дақиқадан, муҳокама учун - 20 (йигирма) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2024 йил 22 сентябрдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг жамиятнинг иш хақи хисобчиси - Курбанбаева Умида Ахмедовна, Жамиятнинг бош хисобчиси Парпиева Юлдуз Рустамовна ва Жамиятнинг материал харажатлар хисобчиси - Мухамедзянова Диана Ахмаджоновна номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" -351 904 та овоз билан 100%; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнингумумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Уч кишидан иборат куйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Парпиева Юлдуз Рустамовна;
- 2) Курбанбаева Умида Ахмедовна;
- 3) Мухамедзянова Диана Ахмаджоновна.

2. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев ўз сўзида кун тартибидаги масала бўйича қуидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида қуидагилар белгиланган:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш масканларини (кейинги ўринларда — мулкий мажмуя) жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуя сифатида гаровга қўйишга руҳсат бериш. Бунда:

мулкий мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкий мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкий мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилади;

б) тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкий мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19сентябрдаги 744-сон қарорига асосан “Қорасув пахта тозалаш” АЖ (пахта тозалаш заводи) мол-мулклари «Ko’kcha tekstil» (“Real Tex Tashkent”) МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2019 йил 21августда тузилган 19-сонли шартномаларга асосан баҳоланганд қийматда 25 020,4 млн. сўмга(КҚС сиз)сотилган.

“Real Tex Tashkent” (Ko’kcha tekstil) МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ 01.09.2024 йил ҳолатига 11 809,8млн. сўм ёки 42,2 фоизи тўланган, қарздорлик 13 210,6 млн. сўмни, жумладан муддати ўтган қарздорлик 13 210,6 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Фармон талабларига кўра, “Real Tex Tashkent” (Ko’kcha tekstil) МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери томонидан “Қорасув пахта тозалаш” АЖга қуидагича мурожаат қилинган:

- 2024 йил 06 августдаги 123-сонли мурожаатида “Қорасув пахта тозалаш” АЖнинг мулкий мажмуаларини сотиб олиш бўйича “Real Tex Tashkent” (Ko’kcha tekstil) МЧЖ билан 2019 йил 21 августда тузилган 19-сонли олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтиришни;

Кун тартибидаги масала бўйича, акциядорлардан фикр мулоҳазалари сўралди.

Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Мухаммадиев ўз сўзида, жамият мулкий мажмуини сотиб олган кластер корхонаси бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 42,2 фоизидан юқори қисмини тўланганлиги сабабли Фармонда белгиланган шартлар асосида “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли пахта қабул қилиш масканларини жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуя сифатида гаровга қўйиш ҳамда сотиб олиш бўйича кластер билан тузилган олди-сотди шартномада белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорлик

муддатини бир йилга яъни 2025 йил сентябр ойигача узайтиришни ва ҳар ойи тенг миқдорларда тўланишини таклиф қилди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” -351 904та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. “Қорасув пахта тозалаш” АЖ бош директори К.Юсупов:


а)“Real Tex Tashkent” (Ko’kcha tekstil) МЧЖ кластерлари билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш ва қолган қарздорликни оймай тенг миқдорда амалга оширишини белгиловчи тўлов графигини тасдиқлаш бўйича қўшимча келишувлар тузсин;


б)“Real Tex Tashkent” (Ko’kcha tekstil) МЧЖга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 42,2 фоизи тўланган пахта тозалаш заводини жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат берсин. Бунда:

мулкий мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкий мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўtkазилганда, мулкий мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Мухаммадиев Абдулло Зикруллоевич акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчиллик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси: /  / А.Мухаммадиев

Йиғилиш котиби: /  / Д.Ниязова

Йиғилиш баённомаси 2024 йил 16 сентябрь куни икки нусхада тузилди.